

# ЛЕВ ТОЛСТОЙ



ҲАЗРАТИ  
МУҲАММАД (с.а.в.)  
ЎГИТЛАРИ

•  
МАКТУБЛАР

•  
ИҚРОРНОМА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

уЎК: 821.161.1-3  
КБК: 84(2Рос=Рус)1  
Т - 64

**Толстой, Лев**

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитлари. Мактублар. Иқрорнома/Лев Толстой. Таржимонлар: О.Шарафиддинов, А.Тилавов. Сўзбоши муаллифи: Ҳ.Болтабоев. О.Шарафиддинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. –192 б.

ISBN 978-9943-20-951-0

«Қаердаки ҳаёт бўлса, ўша жойда инсоният пайдо бўлгандан бери унга яшаш имконини берадиган иймон бор. Ва иймоннинг асосий белгилари ҳамма жойда ва ҳамиша бир хил. Ҳар қандай иймон кимга бўлмасин ва қандай бўлмасин, жавоб берган бўлса, иймоннинг ҳар қандай жавоби инсоннинг чекланган ҳаётига чекланмаган нарсанинг маъносини бахш этади ва бу маънони азоб-уқубатлар, муҳтожликлар, ўлим маҳв этолмайди. Бинобарин, фақат иймондагина ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини топиш мумкин» – Лев Толстой бирмунча иккиланишлардан сўнг тугал хулосага келганида элик ёшлар бўсағасида эди. Шундан кейин ўттиз йилдан ортиқроқ умр кўрди. Саксон ёшлар атрофида қарийб бир неча ўн йиллардан бери журъат қилолмаётган ишга жазм қилди: ислом дини ва унинг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётини ўрганди.

Мазкур тўпламда айнан ўша изланишлар самараси бўлган «Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитлари» ва «Иқрорнома» Толстой талқинида тақдим этилмоқда.

**Таржимонлар:**  
Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
Абдумурод ТИЛАВОВ

ISBN 978-9943-20-951-0  
© Л.Н.Толстой, «Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитлари. Мактублар. Иқрорнома». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

# ҲАЗРАТИ МУҲАММАД

(с.а.в.)

## ЎГИТЛАРИ



Русчадан озарбайжончага  
доктор, профессор Телман Хуршид ўғли АЛИЕВ,  
Воқиф Теҳмез ўғли ХАЛИЛОВлар  
таржимаси

Озарбайжон тилидан туркчага  
Ориф АРСЛОН  
таржима қилган

Турк тилидан  
Абдумурод ТИЛАВОВ  
таржимаси

Лев Николаевич Толстой 1908 йилда Абдуллоҳ ал-Сухравардийнинг Ҳиндистонда нашр этилган «Ҳазрати Муҳаммаднинг ўғитлари» китобини ўқиди. Ўқиган ҳадисларидан бир китобча тасниф қилди ва уни Русиядаги «Посредник» нашриётида нашр қилдирди. Китоб 1908 йилнинг октябрь ойида «Муҳаммаднинг Қуръонга кирмаган ҳадислари» номи билан ўқувчиларга тақдим қилинди<sup>1</sup>. Мазкур биринчи бўлим Толстой тайёрлаган Ҳадис китобчасидан иборат. Китобчанинг номи нотўғри бўлгани учун у кейинроқ «Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитлари» деб ўзгартирилди.

---

<sup>1</sup> Лев Толстойнинг «Муҳаммад пайғамбарнинг «Қуръон»га кирмаган ҳадислари» китоби Москвада 1908 (баъзи манбаларда 1910) йили нашр қилинган. Рус тилидан проф. Телман Алиев ва Воқиф Халилов озарбайжончага таржима қилиб, 1990 йилда Бокуда нашр эттиришган. Ушбу нашр асосида турк олими Ориф Арслон туркчага таржима қилган ва китобни Л.Н.Толстойнинг исломга оид қарашлари билан бойитиб, сўзбоши ва изоҳлар билан 2005 йили Истанбулда нашр қилдирган: Tolstoy. Ünlü Rus Yazarın İslam Peygamberi İle İlgili Kayıp Risalesi. Hz. MUHAMMED. Gizlenen Kitap. – İstanbul: 2005. Китобга Л.Н.Толстойнинг 1909 йили генерал Иброҳим Офа ва Елена Векилова билан ёзишмалари киритилган ҳамда асарнинг русча нашри факсимилеси илова қилинган ҳолда нашр этилган. Маълум бўлишича, 1908 йили Л.Н.Толстой Абдуллоҳ Сухравардийнинг Ҳиндистонда нашр этилган «Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўғитлари» китобини ўқиб чиқиб, қаттиқ таъсирланган ва ундаги айрим ҳадисларни рус китобхонларига ҳам етказишни мақсад қилган. Ушбу таржима рисолаинг русча, озарбайжонча ва туркча матнлари солиштирилган ҳолда амалга оширилди.

«Қалбимизда Оллоҳнинг нури бор.  
Унинг номи эса виждондир!»

*Лев ТОЛСТОЙ*

### **ОЛАМШУМУЛ ТАВСИЯ**

Лев Толстойнинг ислом пайғамбари Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)га ошкор ҳурмати ҳақида аввалги бўлимларда тўхталган эдик. Бу ҳурмат улуғ ёзувчида Ҳазрат Муҳаммаднинг ҳадисларини ўқиганидан сўнг пайдо бўлган. Ёзувчи ҳиндистонлик ислом мутафаккири Суҳравардий тайёрлаган ҳадис китобини синчиклаб мутолаа қилиб, ундан иқтибос ва кўчирмалар олар экан, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитларидан маҳрум бўлган рус халқига ва ўзига, дўст ва ўртоқларига Ҳазрати Муҳаммадни танитмоқчи бўлган. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг хушмуомалалик, ахлоқ, адолат, тўғрилиқ каби кўплаб инсоний қадриятлар тўғрисидаги сўзлари Толстой сингари «ақли комил» бир инсоннинг диққатини жалб қилмаслиги мумкин эмас эди, виждонли инсонлардан бири сифатида уларни бошқа кишилар билан бирга баҳам кўришни ҳам умид қилган. Даҳо ёзувчининг бу истаги бугун қўлингизда. У танлаган ҳадислар гулдастаси ушбу китобча орқали рўёбга чиқди.

## «ОЛЛОҲИМ, СЕНГА БЎЛГАН МУҲАББАТИМНИ МЕНГА БАҒИШЛА»

Хурмо дарахти остида ухлаб қолган Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) уйғонсалар, қўлида бир қилич билан унинг устида душмани Дуъсуур<sup>1</sup> турибди. У сўради: «Эй Муҳаммад, сени энди ўлимдан ким қутқаради?» Ҳазрати Муҳаммад жавоб бердилар: «Оллоҳ!»

Дуъсуурнинг қиличи ерга тушди. Уни қўлга олган Расулulloҳ, ўз навбатида сўрадилар: «Эй Дуъсуур, энди сени ўлимдан ким қутқаради?» Дуъсуур «Ҳеч ким!» деб жавоб берди. Расулulloҳ уни озод қилиб: «Бил, сени ҳам ўлимдан менинг Оллоҳим қутқарди», дедилар ва унинг қўлига қиличини қайтариб бердилар. Дуъсуур кетаётиб: «Сен мендан хайрлироқсан», деди. Расули акрам: «Мен бунга сендан кўра ҳақлироқман», деб жавоб қайтардилар.

Дуъсуур: «Мен Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва сен унинг расули эканингга ишондим», дея шаҳодат келтирди<sup>2</sup> ва мусулмон бўлди. Ва Дуъсуур Пайғамбарнинг содиқ дўстларидан бири бўлди.

\* \* \*

«Оллоҳим! Сенга бўлган муҳаббатимни менга бағишла. Сен кимни севсанг, менга уларни су-

<sup>1</sup> Асарнинг русча нашрида (Изречения Магомета, не вошедшие в Коран. Избраны А. Н. Толстым. – М.: Посредник, 1909. – С. 6) Дьютур исми келтирилган. Таржимонлар бирламчи манбалар (Ahmet Davudoglu, Sahih-i Muslim tercume ve serhi, X, 55; Ismail Mutlu, Peygamberimizin Mucizeleri, s. 420.) асосида Дуъсуур деб кўрсатганлари учун ушбу ном сақланди.

<sup>2</sup> Ушбу жумла русча нашрда йўқ, озарбайжонча ва туркча таржимада борлиги учун келтирилди.

юкли қил. Шундай қилгинки, мен Сенинг муҳаббатингга сазовор бўладиган ишларни қилай. Сенга бўлган муҳаббатимни ўзимга, оиламга ва бойликларимга бўлган севгидан устун қил. Оллоҳим! Сендан севгини ва Сени севганларнинг севгисини ва Сенинг севгингга мени етказадиган амалларни сўрайман. Оллоҳим! Сенинг севгингни нафсимдан, оиламдан, молимдан ва зилол сувдан-да суюкли қил!»<sup>1</sup>

\* \* \*

«Ҳақиқат инсонлар учун нақадар аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўйлагин!»<sup>2</sup>

\* \* \*

«Биродаринг золим ва мазлум бўлса-да, унга ёрдам бер!» Бир одам: «Ё Расулуллоҳ! Биродарим мазлум бўлса, унга ёрдам берайин. Аммо золимга қандай ёрдам бераман, сўйланг?» – деди. Расули акрам буюрдилар: «Уни зулмдан қайтар. Шубҳасиз, мана шу унга ёрдамнинг бўлади»<sup>3</sup>.

\* \* \*

(Аллоҳ таоло айтади:) «Ким бир савоб иш қилса, унга унинг ўн баробарича (ажри) бордир ва ундан ҳам орттираман. Ким бир ёвуз иш қилса, унинг ҳам мисли бордир. Ёки уни бутунлай афв

---

<sup>1</sup> Сўнгги жумла ушбу манба асосида тўлдирилган: Tirmizi, Da'avat, 74 (3485).

<sup>2</sup> Таржимада ушбу манба кўрсатилган: Tirmizi, Fiten, 26 (2192). 6 Манба: Buhari, Mezalim 4; Ikrah.

<sup>3</sup> Алоҳида қаранг: Tirmizi, Fiten, 68.

Мазкур китобни нашр этиш ҳуқуқи  
нашриёт ва таржимон/муаллиф ўртасидаги  
шартномага асосан тўлалигича  
«Янги аср авлоди»га тегишли.  
Муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда  
ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси  
Қонунчилиги доирасида  
жавобгарликка тортилади.

---

*Адабий-бадиий нашр*

ЛЕВ ТОЛСТОЙ  
**Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўғитлари**  
**Мактублар**  
**Иқрорнома**

Муҳаррир Феруза ҚУВОНОВА  
Мусаҳҳиҳ Ирода УМАРОВА  
Бадиий муҳаррир Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи Дилдора ЖЎРАБЕКОВА  
Техник муҳаррир Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АІ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 21.04.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Босма табоғи 6,0. Шартли босма табоғи 10,08.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 39.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru